

Шўрланган тупроқлар мелиорацияси

✘ Бугун 7 май 2018 йил 13.30 да институтизмизнинг В ўқув биноси 216 аудиторияда “Қишлоқ хўжалиги машинлари” кафедраси доценти, т.ф.н., Худаяров Бердирасул Мирзаевич 1 курс магистратурада таҳсил олаётган талабаларга “Шўрланган тупроқлар мелиорацияси. Тупроқнинг шўрини ювиш. минераллашган сувлардан суғоришда ва шўр ювишда фойдаланиш” мавзусида Очиқ маъруза ўқиди. Маърузада “Қишлоқ хўжалиги машинлари” кафедраси профессори, т.ф.н Мухайё Шоумарова, Трактор ва автомобиллар кафедраси мудири Мансур Аманов, Ўқув-методика бошқармаси бошлиғи муовини Шерзод Мардонов ҳамда профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Фан номзоди ўз маърузасини талабаларга Шўрланган ва ботқоқлашган ерларни мелиорация қилиш жараёнини тушинтириш билан бошлаб қуйидагиларни баён қилди: Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича вазифаларни бажариш учун тупроқнинг шўрланишига ва ботқоқланишига қарши кураш тадбирларини амалга оширишнинг катта аҳамияти бор.

Шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнларнинг олдини олишда аввало шу ҳодисаларни келтириб ✘ чиқарувчи қуйидаги асосий сабабларни бартараф қилиш керак:

- сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик (чунки бу сувлар сизот сувларга қўшилиб, сатхини кўтарди);
- тупроқ намлигининг буғланишини ҳар тарафлама камайтириш;
- юза жойлашган шўр ёки чучук сизот сувлари сатхини пасайтириш.
- тупроқ юмшоқ ва майда донатор ҳолатда бўлса, ундан намлик камроқ буғланади, экинларнинг тезроқ ривожланиши учун шароит яратиб берилади. Бундай натижаларга эришиш учун ихота ўрмон полосалари ўтказиш, ғўза-бедани алмашлаб экиш, экин экишнинг рационал агротехникасидан фойдаланиш зарур.

Шундай қилиб, тупроқ ҳолатини яхшилаш учун одатда битта тадбирдан эмас, балки комплекс мелиоратив тадбирлар тизимидан фойдаланиш лозимлигини айтиб ўтди. .

Маърузада давомида ўқитувчи: Ерларни мелиоратив ва гидромодуллаш жихатдан районлаштириш, тупроқни ювишга тайёрлаш, шўр ювиш муддатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Маъруза сўнгида магистрлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўқув-методика бошқармаси методисти Мафтуна Тошева ахбороти